

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИКРОМХОНОВА ФИРУЗА ИКРОМОВНА
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗБАОН НАСРДА ТАРИХИЙ АСАР ПОЭТИКАСИ
(композиция ва образ)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Икромхонова Фируза Икромовна

Ўзбек ва инглизчада тарихий асар поэтикаси (композиция ва образ)
.....3

Икромхонова Фируза Икромовна

Поэтика исторического произведения в узбекской и англоязычной прозе
(композиция и образ).....36

Ikromkhonova Firuza Ikromovna

Poetics of a historical work in Uzbek and English language prose (composition
and image)..... 73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works77

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИКРОМХОНОВА ФИРУЗА ИКРОМОВНА
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗБАОН НАСРДА ТАРИХИЙ АСАР ПОЭТИКАСИ
(композиция ва образ)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Fil.295 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzmu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сиддиқова Ирода Абдузхуровна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Камилова Саодат Эргашевна**
филология фанлари доктори, доцент

Милиев Сувонқул
филология фанлари доктори, профессор

Ҳошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; факс: (99871) 246-65-21; e-mail: nauka@mail.uz). Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультети 1-қават 117-аудитория

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Э.Маматов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раис ўринбосари, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида тарихий асарлар поэтикасини ўрганиш эрамиздан олдинги даврдаёқ адабиётшунослик назарияси фани билан биргаликда шакллана бошлаган. Ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида эса маълум халқ ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар даврида тарихий шахс ҳамда уларнинг бадиий ифодасига қайта-қайта мурожаат қилинган. XX асрга келиб эса жаҳон адабиётшунослигида поэтиканинг ўзак масалалари бўлмиш тарихий асарлар сюжети, композицияси, образ ва образли ифода масалалари бўйича янги изланишлар бошланган. Бинобарин, ўзбек ва инглиз тарихий асарларидаги бир қанча тарихий шахслар образлари адабий-тарихий жараённинг муайян макон ва замон кесимида турлича талқин этилгани мазкур типдаги асарларнинг поэтикасига хос умумий хусусиятларни, бадиий усул ва воситаларини кўрсатишни тақазо этади.

Дунё адабиётшунослигида тарихий шахслар образининг бадиий талқинига халқ тарихи, миллий қаҳрамонлар нуктаи назаридан ёндашилиб, уларни ёш авлод учун миллий ўзлигини англаш, ватанпарварликни шакллантириш, умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида мурожаат қилиш кўп учрайди. Бугунги кунда тарихий асарларда жанр, сюжет, композиция, образ, услуб, мотив, бадиий асар тили каби масалаларга поэтиканинг предмети сифатида концептуал ёндашув зарурлиги кун тартибига чиқмоқда. Хусусан, Марказий Осиё халқларининг муштарак аждоди бўлган Тўмарис ва француз миллий қаҳрамони бўлган Жанна д'Арк образларининг қиёсий таҳлили орқали аёл қаҳрамонлар ўз халқини босқинчиларга қарши курашда мардонавор бошқариб, озодлик, ватанпарварлик, мардлик, жасорат, адолат каби қатор ғояларни намоён этгани ўзбек ва инглиз адабиётшунослигида ҳали тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, глобаллашув жараёнида жаҳон маданияти, адабиёти илдизларида муштарак жиҳатларимизнинг борлиги халқларимиз маданий алоқалари янада кенгроқ ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда адабиётшунослигимизда мумтоз ўзбек ва Шарқ адабиётининг илмий анъаналари билан бир қаторда, дунё адабиётшунослигидаги, хусусан, инглиз адабиётидаги илғор ютуқларни ўрганиш, жаҳон тан олган ёзувчи ва олимларнинг индивидуал услубларини ижодий ўзлаштиришга эътибор кучаймоқда. «Ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш»¹да миллий қаҳрамонларимиз образининг жаҳон контекстидаги таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимиз фаолиятини қайта ўрганиш орқали турли енгил-елпи ёки хориждан мажбуран тикиштиришга уринилаётган қарашларга қарши тура оладиган авлодни тарбиялаш мумкин. Шунингдек, глобаллашув жараёнида жаҳон маданиятига ўзбек халқи қўшган

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 18.

улкан ҳиссани кўрсатиш, буни ёш авлод онгига сингдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Тарихий шахсининг бадиий талқини Амир Темур мисолида Испания, Франция, Англия, Германияда ўнлаб тадқиқотлар олиб борилган. Тарихий асарлар поэтикасига оид тадқиқотлар жаҳоннинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Central Asian Studies Institute, University of Paris (Франция), University of Indiana, University of Michigan, University Columbia (USA), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Turkiye), Universität Humboldt, Universität Bonn, Universität Frie (Germany), Cambridge University (Great Britain), University of Tokyo, Kyoto University (Япония), University of Seoul (Жанубий Корея), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия Федерацияси), Белоруссия давлат университети америкашунослик маркази, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент Шарқшунослик университети (Ўзбекистон) олимларининг тадқиқотларини келтириш мумкин.

Мавжуд манбаларда тарихий асарлар сюжети ва композицияси, ундаги тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима, роман жанри тараққиёти тенденциялари юзасидан олиб борилиб, қатор илмий натижаларга эришилган: Жанна д'Арк ҳақидаги асарлар орқали адабий асарларда ватанпарварлик масалаларини

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.wisconsinuniversity; www.agency-nationalresearch.fr; www.psu.fr, www.indiana.edu; www.michigan.uni.edu; <https://asiacentrale.revues.org/2919>; www.britanica.com; www.cambridge.org; www.ox.ac.uk, www.harvard.edu, www.uni-bonn.de, www.mgu.ru, www.bgpu.by, www.iup.edu, www.illinois.edu, wisc.edu, frantqi.fr, amazon.com. ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

ёритиш умумий белгилари, бунда миллий романчилик поэтикаси (Central Asian Studies Institute, University of Paris); миллий тарихга мурожаат миллий ўзликни англашга эҳтиёж кучайиши билан боғлиқ экани аниқланган ҳамда «Алпомиш» ва «Жумонг» асарлари ўзаро қиёсланган (University of Seoul (Жанубий Корея); янги ўзбек адабиётига француз, турк, инглиз адабиётининг таъсири кўпроқ эканлиги аниқланган (University Columbia, Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи» тарихий контекстда (University of Indiana); «Бобурнома»нинг танқидий матни юзасидан тадқиқотлар яратиш (Kyoto University); ғарб адабиётшунослигида ўзбек адабиёти ўрганилиши, ўзбек адибларидан А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, О.Ёқубов, П.Қодиров, Миркарим Осим тарихий асарлари турли йўналишларда тадқиқ ва талқин этилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Жаҳон қиёсий адабиётшунослигида тарихий асарлар поэтикаси, тарихий образларнинг бадиий талқини бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: маълум тарихий даврдаги миллий қаҳрамонлар жасоратини шаклланаётган янги авлод онгига сингдириш орқали миллий ўзликни англантиш; тарихий воқеликни замонавий муаммолар ечими нуқтаи назаридан ёритиш; глобаллашув жараёнида миллий маданият ва тарихни жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини кўрсатиш; турли халқлар адабиётидаги бадиийлик кўринишларини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш; ўзбек ва инглиззабон наср намуналарини солиштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қиёсий адабиётшуносликда адабий воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро ўхшашлиги масаласи ҳамда турли халқларнинг турмуш тарзи, бадиий тафаккури, тарихий маданий ривожланиши билан боғлиқлиги ҳақида илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, ўзбек адабиёти намуналарининг инглиз, рус, форс, араб адабиётидаги бошқа асарлар билан солиштириш, уларнинг ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларининг тадқиқи, поэтика муаммолари, хусусан, тарихий асарлар, тарихий шахслар образи талқини, тадқиқи Е.Э.Бертельс, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, Д.Дюришин, Ф.Сулаймонова, Т.Е.Комаровская, Ғ.Салом, Н.Отажон, Н.Комилов, М.Жўраев, И.Самандаров, М.Шарафуддинова, И.Ёқубов, С.Э.Камилова, Б.Эрматов, Д.Ҳошимова, З.Мирзаева, О.Дадабоев каби олимлар томонидан амалга оширилган³. Олиб

³Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. – Москва-Лекнинград: Изд-во академии наук., 1948. – 191 с.; Конрад Н.И. Избранные труды. История. – Москва: Наука, 1974. – 478с.; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1977. – 318 с.; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – 497 с.; Александр Дима. Принципы сравнительного литературоведения. – Москва: Прогресс, 1977. – 212 с.; <http://medialib.pspu.ru/page.php?id=860>; Комаровская Т.Е. Проблемы поэтики исторического романа США XX века. Автореф. дисст. ... док.фил.наук. – М.: МПУ. 1994. – 36 с.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 416 б.; Ғ. ас-Салом, Н.Отажон. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент: Халқ мероси, 1997. – 364 б.; Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 280 б.; Самандаров И.Э. Историзм узбекских исторических романов. Автореферат на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Т., 1992. – 24 с. www.cheloveknauka.com; Шарафуддинова М.О. Особенности

борилган тадқиқотларда 1) қиёсий адабиётшуносликнинг назарий асослари; 2) мумтоз Шарқ, хусусан, араб, форс, хинди адабиётларидаги адабий ҳодисаларни ўзбек адабиётидаги анологлари билан қиёслаш ва таҳлил этиш тамойиллари; 3) Ғарб адабий воқелигидаги типологик ҳодисалар ёки шарқлик киши, Шарқ қаҳрамонлари тасвирини манбалар асосида солиштириш масалаларини асослаш; 4) Шарқ, жумладан, ўзбек ҳамда Европа ёки америка адабиётларидаги турли тарихий асарлардаги типологик ҳодисаларни ўрганиш; 5) ўзбек ва жаҳон фольклори намуналарининг қиёсий-солиштиришма таҳлили ҳақида тадқиқот олиб борилгани ҳамда қиёсий адабиётшуносликка сезиларли ҳиссалар қўшилганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, тарихий ҳақиқатнинг бадиий ифодаси халқ маданий тараққиётига асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ таъкидлаш лозимки, мавжуд манбаларнинг бирортасида Тўмарис ва Жанна д'Арк образи ўзаро қиёсланмаган. Бунга сабаб сифатида Жанна д'Арк романининг ўзбекча таржимаси йўқлиги, сак-массагет қабилалар бирлашмасини бевосита туркий халқлар билан боғлиқлигининг асоси етарли эмаслиги, аксарият манбаларда евроцентризм устунлиги кабиларни келтириш мумкин.

Марк Твен ва Миркарим Осимнинг мазкур тарихий шахслар ҳақидаги асарлари компаративизм нуқтаи назаридан жанрий ва типологик хусусиятлари деярли ўрганилмаган. Бугунги кунгача Тўмарис ҳақидаги тарихий ривоят ва унинг адабиётимиздаги дoston, эссе, қисса, роман каби жанрлардаги асарлар билан қиёсий таҳлили ҳамда уларнинг юзага келишидаги ўхшашликни Ғарб адабиётидаги анологлари билан қиёслаш ишлари амалга оширилмаган. Бундан ташқари адабий компаративизмнинг адабий ҳодиса ва бадиий образ яхлитлиги концепцияси жорий этилмагани мавзунинг етарли даражада тадқиқ этилмаганини кўрсатади. Демак, мазкур тадқиқот иши ана шу муаммоларни бажаришга қаратилгани билан аввалги ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Ўзбек ва инглиз адабиётининг қиёсий типологик таҳлили» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек-инглиз адабий жараёнидаги поэтик янгиланишлар ва уларнинг юзага келишига таъсир этган омилларни жаҳон

повествовательной структуры узбекского романа хх века в контексте мировой литературы. Автореферат диссер. ... док.фил. наук. – Ташкент, 2010. – 50 с.; Якубов И.А. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Фил.фан. док (DSc) дисс.автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б.; Камилова С.И. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе конца ХХ – начала ХХІ века. Диссер. ... док.фил. наук. – Ташкент, 2016. – 291 с.; Ҳошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Фил.фан.док. ... дисст. автореф. – Тошкент, 2018. – 80 б.; Мирзаева З. ХХ аср ўзбек адабиётининг хориж тадқиқотчилари. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 128 б.; Эрматов Б.С. Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётларида Амир Темур сиймоси (сарчашмалар, тасаввурлар ва талқинлар). Ф.ф.д. ... диссерт. – Тошкент, 2018. – 257 с.; Муродов Ф. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари. Фил.фан. док. дисс.автореф. – Тошкент: БухДУ, 2018. – 80 б.; Дадабоев О.О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Фил.фан б. фал.док. диссет. автореф. – Тошкент, 2019. – 46 б.

адабиёти аспектида яхлит илмий-назарий қараш ҳамда тушунчалар маҳсули эканлигини тарихий ҳақиқатнинг бадиий-эстетик ифодаси орқали очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбек ва инглиз насридаги тарихий асарларнинг қиёсий типологияси муаммоларини адабиётшунослик назарияси, қиёсий адабиётшунослик йўналишлари бўйича мавжуд манбалардаги илмий-назарий қарашларни тизимлаштириш ва янги умумлашмалар чиқариш;

тарихий шахслар образининг роман поэтикасидаги ўрни ва аҳамиятини замонавий бадиий-эстетик тафаккур аспектида ўрганиш орқали тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима муносабатларининг халқ маданий тараққиётига таъсирини белгилаш;

тарихий шахслар образини турли жанрдаги асарларда ифодаланишини спиралсимон типология усули орқали бинар ва тринар жиҳатдан таҳлил этиш, тарихий образнинг эволюцион тараққиётини намоён этиш;

тарихий асарларда композиция шакллариининг аниқ бадиий-ижодий концепциядан келиб чиқиб тизимли ёритилиши, сюжетнинг ташкилланиши, образлар тизимининг ўзгаришидаги кўринишини таҳлил этиш;

Тўмарис ва Жанна д'Арк ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг бадиий қайта ишланишида фольклоризм унсурларидан фойдаланишнинг бадиий ғоявий ва бадиий-эстетик функцияларини аниқлаш;

Ўзбек насридаги анъанавийлик ва новаторлик, ёзувчиларнинг индивидуал маҳорати, поэтик услуб масалаларини асослаш ҳамда инглиз адабиёти билан қиёслаш орқали бадиий-эстетик савиясини очиб бериш;

глобаллашув жараёнидаги ўзбек насрининг тарихийлик, миллийлик ва замонавийлик тамойиллари асосида янги давр кишиси руҳиятини бадиий ифодалашда турли поэтик модусларнинг аҳамиятини илмий асослаш, бу борадаги илмий анъана, ютуқларни текшириш, янги илмий умумлашмалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек адабиётидаги Тўмарис тарихий шахси ва унинг бадиий ифодаси билан боғлиқ қисса, роман, шеър, дoston, америка адабиётидан эса Марк Твеннинг «Жанна д'Арк» романи (Personal Recollections of Joan of Arc Twain, Mark) асарлари, инглиз ва ўзбек адабиёти тарихи ҳамда улардаги тарихий мавзунинг тараққиёт такомилини кўрсатиш учун инглиз тилидаги бошқа манбаларга ҳам мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предмети танланган тарихий асарларнинг жанри, сюжети, композицияси, образи ва типологияси, тарихий асарлар поэтикасини очишга хизмат қилувчи бадиий асар тили каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий метод ҳамда типологик, биографик, бинар, тринар, қисман структурал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий-бадиий асарларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ўзбек ҳамда инглиззабон халқларида турлича кўринишга эга эканлиги, хусусан, ўзбек насрида халқ оғзаки ижодида шаклланиб, турли тошбитик, сўнгра ёзма

адабиёт намуналари асосида ривожланганлиги, америка насрида тарихий-бадий асар XVII аср бошларида кундалик, эсдалик, хотира кўринишида шаклланганлиги исботланган;

тарихий шахсларга аёл бўлишига қарамай мардлик, жасурлик, халқни ўз ортидан эргаштира олиш, ростгўйлик, халқпарварлик, жанговарлик каби бадий-эстетик вазифалар юкланиши «Тарих», «Ойсулув», «Тўмарис» асарларидаги образларнинг генезиси ёрдамида далилланган;

Тўмарис ва Жанна д'Арк образлари замонавий бадий-эстетик тафаккур аспектида халқ тарихини тубдан ўзгартирган аёл саркардалар бўлганлиги каби ўхшаш ҳамда Тўмариснинг аслзода оиладан, турмуш қурган, фарзандли эканлиги ва узоқ умр кўриши, Жанна д'Аркнинг деҳқон кизи, ўқимаган, фожеали ҳалок бўлиши каби фарқли жиҳатлари аниқланган;

Марк Твен ва Миркарим Осим томонидан яратилган Жанна д'Арк, Тўмарис каби образларга ўзбек ёзувчилари томонидан асосан реалистик услубда, инглиз ёзувчилари томонидан реалистик, диний ҳамда мифик услубда ёндашилганлиги исботланган;

Марк Твеннинг романида Жанна д'Арк образи ёрқин, кескин фарқланиб турувчи характер қирралари билан тасвирланганлиги, Миркарим Осимнинг қиссасида Тўмарис қатъиятли, мулоҳазали, жасур аёл-саркарда сифатида дoston ва шеърларда мазкур образ кўпроқ бадийлаштирилганлиги, тарихий ҳақиқат сезилмайдиган даражага етганлиги далилланган;

тарихий асар композициясида икки тузум ўртасидаги зиддият персонажлар характери, портрети, нутқи, дунёқараши, ҳаракати ҳамда шунга мувофиқ равишдаги бадий тил унсурлари яхлит тизимининг умуминсоний ғоялар асосидаги ифодаси сифатида намоён бўлганлиги ҳамда персонажлар композицияси, сюжет композицияси ва бадий нутқ композицияси ватанпарварлик, озодлик, шахс эрки, ҳаётсеварлик, инсорпарварлик каби ғоялар асосида қурилганлиги бадий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек, Европа ва АҚШ адабиётидаги тарихий-бадий тафаккур тарзининг юзага келиши, бунда тарихчи, файласуф, саёҳатчи ва адабиётчи каби олимларнинг воқеликни бадий идрок этиши ҳамда ифодалашдаги бадий ифодавий хусусиятларининг ўрни алоҳида очиб берилган;

ўзбек адабиётида тарихий асар яратиш ижтимоий-эстетик тафаккуридаги ўзгаришларнинг маҳсули сифатида юзага келгани, бунда тарихни бадий идрок этиш ва эпик тасвир усулларига таъсири натижасида эпик тафаккурнинг халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётдаги бадий-эстетик қатламларнинг эволюцион тартибда такомиллашиб боргани, тарихий шахслар ҳақидаги асарларнинг поэтик структурасидаги композицион, семантик, ифодавий ўзгаришлар кўлами баён этилган;

АҚШ адабиётидаги тарихий романнинг шаклланиши ва тараққиёти, тарихий роман поэтикасининг жанр, композиция, сюжет ва бадий-ифодавий жиҳатдан ягона тизими аниқланиб, уларнинг етакчи тамойиллари кўрсатилган;

халқ достонларида тарихий шахсларнинг ифодаси, достоннинг жанр табиатидаги мифик поэтик унсурлари ва бадий ифода усуллари, ровий образи, достончи-бахшининг индивидуал услуби, поэтик маҳорат масалалари ёритилган;

Жанна д'Арк образи ва унинг шаклланаётган АҚШ фуқароси руҳиятига мифопоэтик тасвирлар бўйича таъсири юзасидан назарий-типологик хулосаларга келинди, бунга тарихий романдаги бадийлик модулари ва янгиланишлари асос бўлгани исботланган;

тарихий асардаги тарихий ҳақиқат ва бадий тўқиманинг тарихийлик, умуминсонийлик, замонавийлик каби етакчи тамойиллар асосида қайта идрок этилиши, ёзувчилар ижодий фикрлаш тарзининг ўзига хос хусусиятларини ташкил этгани, ёзувчиларнинг одам ва оламни идрок этиш даражаси, поэтик маҳорати аниқланган;

Ўзбек тарихий асарлари поэтикаси миллий адабий анъана, жаҳон адабиёти насри ютуқлари ва ижодкорлар индивидуал ижодий изланишлари аспектида типологик жиҳатдан илмий таснифланиб, уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини қиёсий тадқиқ қилиш учун тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги юртимиз ҳамда хориждаги адабиётшунос ва мунаққидларнинг фикрларига мурожаат қилингани, тарихий воқелик дунё илм доирасида кенг эътироф этилган манбаларга таянганлиги, ўзбек, инглиз, рус олимларининг илмий-назарий қарашларини яхлит назария сифатида олинганлиги, тарихий асарларга тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ёндашилгани, шунингдек, биографик, психологик, герменевтик, структурал таҳлил усулларида ҳам самарали фойдаланилгани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва инглиз тилидаги адабиёт назарияси, ўзбек ва жаҳон романчилиги тарихи ҳамда назарияси, хусусий, тарихий ва назарий поэтика, жанр типологияси ва поэтик маҳоратни ўрганишда илмий аҳамиятга эга бўлиб, тарихий асарлардаги тарихий ҳақиқат ва бадий тўқимага хос умумий ва хусусий жиҳатлардан, тарихий фактларни ижодий қайта ўзлаштириш, тарихий макон ва замон, тарихий образ ва образлилик, бадийлик модулари, мифопоэтик элементлар, ассоциатив тасвир, эпик баён усуллари, тарихий асарда композицион яхлитлик каби муаммоларнинг ечимида илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим тизимида ўқитилаётган қиёсий адабиётшунослик, жаҳон адабиёти тарихи, адабиётшуносликка кириш, поэтика муаммолари, янги ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назарияси фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, ўнга яқин ихтисослик фанларини ўқитишда, ўзбек ва АҚШ адабиётининг жаҳон адабиёти қиёсий таҳлилида, Марк Твен, Миркарим Осим каби ёзувчилар ижоди бўйича махсус машғулотлар уюштиришда, тарихий асар поэтикаси, жанр бадиияти,

ижодкорлар поэтик маҳоратига оид махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихий асарлар поэтикаси муаммоларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий асарларнинг шаклланиш омиллари, тараққиёти ва такомилли жаҳон адабиёти, АҚШ ва ўзбек адабиёти кесимида алоҳида-алоҳида ўрганилиб, ўзаро солиштирилиб, «Тарих», «Ойсулув», «Тўмарис» асарларидаги образлар қиёсланишига оид хулосалардан Эрасмус+ дастурининг Project №598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC) грант лойиҳасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил 28 июндаги 89-04-1515-сон маълумотномаси). Натижада магистратура талабалари ва докторантлар учун ташкиллаштирилган онлайн курслардаги ўқув материаллари, лойиҳа доирасида яратилган қўлланмалар мазмунан бойишига эришилган;

Марк Твен романида Жанна образи ёрқин, кескин фарқланиб турувчи характер қирралари билан тасвирланган ҳолда олинган илмий хулосалардан Озарбайжон давлат педагогика университетида қиёсий адабиётшунослик, жаҳон адабиёти тарихи, адабиётшуносликка кириш, поэтика муаммолари, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назарияси каби курслардан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, инглиз ёзувчилари ижоди бўйича махсус курс ва тарихий асар поэтикаси, ёзувчининг бадиий маҳорати, жанр санъати бўйича семинарлар ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилган, шунингдек, «Адабиёт назарияси ва қиёсий адабиётшунослик» предметини ўқитишда фойдаланилган (Озарбайжон давлат педагогика университетининг 2021 йил 16 февралдаги 127/3-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотнинг самарадорлиги ва ижобий кўрсаткичларини амалга жорий қилиш бўйича ишлаб чиқилган асосий тавсиялар «Адабиёт назарияси» ва «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти» каби фанларни ўзлаштириш асосларида ўз ифодасини топган;

ўзбек ва инглиз ёзувчиларининг Тўмарис, Жанна д'Арк каби тарихий шахсларга мурожаати орқали уларнинг тарихий ҳақиқатни бадиий қайта ишланишида ўзбек ижодкорлари асосан реалистик услубда, Марк Твен эса Жаннага реалистик, диний, мифик жиҳатлардан ёндашганликлари каби жиҳатлардан, тарихий фактларни ижодий қайта ўзлаштириш, тарихий макон ва замон, тарихий образ ва образлилик, бадиийлик модуллари, мифопоэтик элементлар, эпик тасвир усуллари каби муаммоларнинг ечими Ўзбекистон Фанлар академияси Хоразм Маъмун академиясида тарихий асарларга оид илмий тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилди (Хоразм Маъмун академиясининг 2021 йил 21 январдаги 26/1-21-сон маълумотномаси). Натижа «Хоразм тарихи ва маданияти доимий экспозицияси» музейи учун манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланган;

ўзбек тарихий асарлари поэтикаси миллий-адабий анъана, жаҳон адабиёти насри ютуқлари ва ижодкорлар индивидуал ижодий изланишлари

аспектида типологик жиҳатдан илмий таснифланиб, уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини қиёсий тадқиқ қилиш учун тавсиялар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 28 июндаги 01-03/881-сон маълумотномаси). Натижада ёш ижодкорларнинг ижодий қобилияти такомиллашувига эришилган;

тарихий асардаги тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг тарихийлик, умуминсонийлик, замонавийлик каби етакчи тамойиллар асосида қайта идрок этилиши, ёзувчилар ижодий фикрлаш тарзининг ўзига хос хусусиятларини ташкил этгани, ёзувчиларнинг одам ва оламни идрок этиш даражаси, поэтик маҳоратига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган намунавий дастур ва ўқув режалар асосида Фарғона давлат университетида 5111400-Хорижий тил ва адабиёт: инглиз тили бакалавриат йўналишидаги талабаларга ўқитилаётган «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти», «Тил аспектиларини ўқитиш амалиёти», «Лексикология ва стилистика», «Тил кўникмалари интеграцияси» каби амалий, шунингдек, 5A120102 – Лингвистика: инглиз тили мутахассислиги бўйича магистрларга ўқитиладиган «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти ва тарихи» каби назарий фанлар таркибий қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 89-04-1515-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг тегишли фан мақсад ва вазибаларини тушуниши осонлашган;

халқ дostonларида тарихий шахслар ифодаси, дoston жанри табиатидаги мифик, поэтик унсурлар ва бадиий ифода усуллари, ровий образи, дoston ижро этувчи бахшиларнинг индивидуал услуби, поэтик маҳорат масалалари, халқ озодлиги учун курашган Тўмарис ва Жанна д'Арк тимсолидаги аёл саркардаларнинг жасоратига оид илмий-бадиий мисоллардан «O'zbekiston tarixi» телеканалида эфирга узатилган «Тақдимот» кўрсатувида фойдаланилган («O'zbekiston» teleradiokanali) давлат унитар корхонасининг 2021 йил 19 январдаги 02-40-70-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувда берилган маълумотлар илмий асосланган;

халқ дostonларида тарихий шахсларнинг ифодаси, дostonнинг жанр табиатидаги мифик, поэтик унсурлари ва бадиий ифода усуллари, ровий образи, дostonчи-бахшининг индивидуал услуби, поэтик маҳорат масалалари ҳамда янги давр кишиси руҳиятини бадиий ифодалашда бадиийлик модусларининг аҳамиятини илмий асослашга оид фикрлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлими 2016 йилда бажарилган Ф1-ФА-0-43429-рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал ҳамда ФА-А1 Г006-рақамли «Қорақалпоқ халқ қўшиқларининг текстологик таҳлили ва нашрга тайёрлаш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаларни бажаришда қуйидаги натижалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ Бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 24

август 215/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида чоп этилган мақола, рисолаларнинг илмий-назарий асоси кучайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро конференция ва 5 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шундан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика, 2 таси чет эл журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, жами 255 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида қўйилган назарий муаммонинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ёритилган. Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, диссертациянинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тарихий-бадий асар генезиси ва такомилли**» деб номланиб, унда бадий-тарихий асарларнинг генезиси, тараққиёти ва бадий такомилли жаҳон, ўзбек ва АҚШ адабиёти мисолида муҳокама этилади. Бобнинг биринчи фаслида «**Тарихий-бадий асар: генезис ва тараққиёт**» масаласи ҳақида фикр юритилади.

Бадий-тарихий асарларда у ёки бу халқ, мамлакат, давлатга тегишли тарихий ҳақиқат бадий ифодасини топади. Зотан, «машҳур одамлар томонидан кўрсатиб ўтилган ва эслатилган матонат ўрнақларини кўриш ҳам, эшитиш ҳам зарур»⁴ эканлигини антик даврдаёқ Афлотун таъкидлаб ўтган. Мазкур фикр кейинчалик Арасту томонидан ривожлантирилади⁵.

Академик Николай Конрад турли тарихий даврда адабиёт таркибида тарихий асарлар мавжудлигини тан олади ва Платоннинг «Уруш» (Қадимги Греция), Ливий Титнинг «Тарих» (Қадимги Рим), Сим Цяннинг «Тарихий ёзишмалар» (Қадимги Хитой)и қадимги адабиёт таркибига кирганини эътироф этган⁶.

Антонио Минтурнонинг фикрича, «қаҳрамонлик поэмаси шавкатли Эраннинг хотирлашга лойиқ аъмоли ҳақида сўз юритади»⁷. Бу ерда тарихий образларнинг халқ улуғлайдиган, ибрат оладиган ва авлодларига ўрнақ

⁴ Афлотун. Давлат. Таржимон Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 103.

⁵ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 32.

⁶ Юқоридаги манбаа, ўша жой.

⁷ Антонио Минтурно. Поэтик санъат // Д.Қуроноф, Б.Раҳмонов. Фарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 148.

сифатида кўрсатадиган қаҳрамонликлари муҳимлиги таъкидланар экан, ўрта асрлар романларидаги енгил елпи мавзулар, қаҳрамонлик мавзуси рицарлар жамиятига хизмат қилиши танқид қилинади. Эътиборлиси, муаллиф адабий ҳодисага ҳолис баҳо берар экан, бадий асарнинг асл мақсади халққа хизмат қилиши лозимлигига эътибор бериб, ёзувчиларни тарихий воқеаларни халқ ижтимоий тараққиётига хизмат қилган қисмини ҳолис акс эттиришни уқтиради. Лодовико Кастельветро «поэзия тарихга тақлид ва унинг ўхшашидир. Тарих икки қисмдан – материя ва сўздан таркиб топгани каби, поэзия ҳам худди шундай қисмлардан таркиб топади... поэтик материя тарихий материяга монанд бўлиши ва у билан айнан ўзи бўлмаслиги керак»лигини уқтиради⁸. Бу ерда асар материя ва сўздан ташкил топиши, поэтик материя айнан тарихнинг тақрори, қуруқ қайта баёни бўлиб қолмаслиги ҳақидаги фикр прогрессив ҳисобланади.

«Қаҳрамонлик поэмасини ёзишга жазм этган ҳар ким учта масалани ҳал қилиши лозим бўлади: шоирнинг маҳорати бахш этиши мумкин бўлган гўзал шаклни қабул қила оладиган материяни танлаш, шундай гўзал шаклни яратиш, ва ниҳоят, ўзига энг мос ҳам ярашиқли безаклар билан материяга зеб бериш»⁹ саналади. Франсуа д'Обиньяк эса «агар тарих драматик поэма яратиш учун зарур барча фазилатларга эга бўлса, шоир ўша тарихдаги ҳақиқий нарсаларнинг барини сақлаб қолишга бурчли; акс ҳолда эса, у ҳамма нарсани ўзининг санъати ёрдамида мужассам ифода этмоқчи бўлган ижодий ниятига бўйсундиришга ҳақли» дея ёзган¹⁰. Демак, биринчи галда, тарихий асар учун олинган предмет (материя, фабула) ёзувчи бадий нияти, ижодий концепциясини ёритишига хизмат қилиши талаб этилади. Мазкур етакчи тамойил Гегель асарларида янада кенгроқ очиқ берилди¹¹.

«Тўмарис» ва «Жанна д'Арк» асарлари икки халқ тарихидаги типологик воқелик саналиб, улар ижтимоий, адабий ва психологик типологиялар нуқтаи назаридан қатор ўхшашликларга эга. Жумладан, ҳар иккала образ ҳам тарихий прототипга эга бўлгани ҳолда, аниқ генетик қариндошликка эга эмас. Иккинчидан, иккаласи ҳам ватан озодлиги йўлида курашган аёллар ҳисобланади, учинчидан, Жанна д'Арк ва Тўмарис ҳақида ҳам жаҳон адабиёти ва санъатида турли асарлар яратилган. Ана шу уч муҳим жиҳатнинг ўзиёқ мазкур образларнинг типологиясини, аниқроғи, ижтимоий-тарихий, адабий-типологик жиҳатдан тадқиқ этишни долзарб вазифа этиб белгилайди. Фасл сўнгида бадий-тарихий асар генезиси бўйича тегишли ҳулосага келинган.

Бобнинг иккинчи фасли «**Ўзбек насрида тарихий-бадий асар шаклланиши ва ривож**» деб номланиб, унда замонавий талқиндаги наср

⁸ Лодовико Кастельветро. Халқ тилида баён қилинган ва шарҳланган Аристотель «Поэтика»си // Д.Қурононов, Б.Раҳмонов. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 158.

⁹ Торкватто Тассо. Қаҳрамонлик поэзияси ҳақида мулоҳазалар // Д.Қурононов, Б.Раҳмонов. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 168.

¹⁰ Франсуа д'Обиньяк. Театр амалиёти // Д.Қурононов, Б.Раҳмонов. Ғарб адабий-танқидий тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 228.

¹¹ Гегель, Георг Вильгельм Фридрих. Эстетика ёхуд санъат фалсафаси ёхуд бадий ижод фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2011. – Б. 218.

Ўзбек адабиётида XX аср бошларида шаклланиши, аммо адабиётимизда тарихий воқеликнинг бадиий идрок этилиши, тарихий шахс образини яратиш жуда қадим замондан мавжуд эканлиги ҳақида сўз юритилади. «Оламнинг яратилиши», «Тўмарис» каби миф ва афсона, «Кул тегин» каби тошбитиг, «Алпомиш», «Ойсулув»¹² дostonларида тарихнинг бадиий идрок этилиши кузатилади. Бизда романнинг нисбатан кечроқ шаклланиши, фольклор яхши ривожланганлиги халқимизнинг бундай асарга бўлган талабини қондиргани билан изоҳланади.

Ўзбек адабиётида тарихий роман XX аср бошларида пайдо бўлди. Бироқ унга мафкуравий жиҳатдан ёндашилди, вульгар социологик, соцреализм нуқтаи назаридан қаралди. Хусусан, Михаил Шевердиннинг «Ўзбекларнинг биринчи романи» (А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар») тақризмақоласида талқин қилинаётган тарихий воқеалар Отабек, Юсуфбек ҳожи ва бошқа қаҳрамонларга деярли таъсир кўрсатмайди. Ҳодисалар, ўрта асрлар даражасидаги Қўқон хонлигида ҳукм сурган жаҳолат шунчаки намойиш (декорация), холос; қаҳрамонлар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар ҳаётига даҳл қилмайди...»¹³ дея ёзади. Келтирилган фактнинг ўзиёқ тарихий роман тараққиёти оғир кечганини исботлайди.

Тарихий романларнинг поэтик хусусиятлари ҳақида баҳслардан Иззат Султон, Ғулом Каримов, Собир Мирвалиев, Умарали Норматов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Азим Раҳимов, Акрамбек Каттабеков каби олимларнинг фикрлари прогрессив хусусияти билан ажралиб туради.

М.Қўшжонов тарихий романда образ яратиш маҳорати, турли характер ва типларнинг асар структурасидаги ўрни, тарихий асарлар тили, сюжет ва конфликт тугунлари, ёзувчининг индивидуал услуби каби масалалар ҳақида сўз юритади. Улар тарихий романлар ҳақидаги қарашларнинг тўғри йўлга қўйилганининг дастлабки намунаси сифатида ҳам эътирофга лойиқ. Олим тарихий асарларга шундай талаб қўяди: «ёзувчи, аввало, ёзилаётган асарига танланган давр ҳаёти мантиқини сингдира олиши, ҳаёт мантиқига риоя қилиш ёзувчи учун муқаддас бир нарсадек сақланиши лозим»¹⁴.

Умарали Норматов назарий қарашлари ҳам ўзига хосдир¹⁵. Дарҳақиқат, «Ўткан кунлар» романи тарихий асар сифатида халқ ҳаётидаги жуда кўламдор, салмоқдор мазмунни бадиий ифодалаш билан умумтуркий адабиётда халқ, миллат тақдири учун ҳаёт-мамот даражасига эга муаммоларни кўрсатиб берган.

Тарихий асарлар тадқиқида Акрамбек Каттабеков келтирган тасниф эътиборга молик: «Энг яхши тарихий романларга хос хусусиятлар: 1) асарнинг объекти сифатида халқ ва жамият ҳаётидаги энг муҳим саналган даврлар, воқеалар ва кўзга кўринган шахслар ҳаёти олиниши; 2)

¹² Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд / Тузувчилар: Насимхон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 10-14;14-15; 15-22; Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. – Ленинград: Наука, 1951; Nasimxon Rahmonov. O'zbek adabiyoti tarixi. – Toshkent: Sano-standart, 2017. – Б. 38-63; Ойсулув. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. www.ziyouz.com. kutubxonasi.

¹³ Набижон Боқий. Қатлнома. Хужжатли қисса // Шарқ Юлдузи, 1991. – № 5. – Б. 67.

¹⁴ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1994. – Б. 61.

¹⁵ Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: O'zbekiston, 2010. – Б. 194.

тасвирланаётган давр ва ундаги воқеалар, тарихий шахсларга нисбатан ёзувчи илмий-эстетик концепциясининг бўртиб туриши лозимлиги, давр ижтимоий-сиёсий характеристикасини яратиш; 3) ёзувчи билан тасвир объекти ўртасида жамият тараққиётининг муҳим босқичлари билан изоҳланувчи даврий масофанинг мавжуд бўлиши ва ниҳоят, 4) тасвирланаётган воқеалар ва шахслар ҳаётининг чуқур бадиий тадқиқ этилиши, тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга ўсиб чиқиши шарт эканлиги ... тарихий романларни баҳолашда асосий мезон бўла олиши мумкин»¹⁶.

Ғ.Саломов ва Н.Отажоновлар «Жаҳонгашта «Бобурнома» номли йирик тадқиқотларида «Бобурнома»нинг немис, голланд, инглиз, француз, форс, турк, ҳинд, рус тилларига қилинган таржималари ва улар асосида яратилган бадиий асарларни қиёсий ўрганиб, америкалик ёзувчи Ҳаролд Лембнинг «Бобур – Йўлбарс» номли романини ҳамда ҳинд олими ва ёзувчиси Муни Лаълнинг «Бобур», «Жаҳонгир», «Шоҳ Жаҳон» каби бешта тарихий роман ёзганлигини таъкидлаб, романларни ўзаро қиёсий таҳлилини амалга оширишади. З.Пардаева эса Я.Илёсов ва С.Бородин асарлари мисолида қадимги Шарқ тарихи, тарихий шахслар бадиий типологик образлари таҳлилини амалга оширган. Бугунги кунда ҳам тарихий асарларга оид баҳслар давом этмоқда. М.Холбеков, Д.Қурононов, Б.Каримов, У.Жўрақулов, И.Ёқубов, С.Тўлаганова, Ғ.Муродов каби олимлар тадқиқотларида тарихий асарга таҳлилда янгича қараш ва тушунчалар синтезлашган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «**АҚШ насрида тарихий-бадиий асар генезиси**» тадқиқига бағишланган. АҚШда тарихий асарлар маълум тарихий шахслар ҳаёти орқали аниқ тарихий жараён, тарихий воқеа-ҳодиса баён қилиш билан бошлангани таъкидланади. Бу эса мазкур асарларни мемуар, хотира, эсдалик, биографик ёки тарихнавислик нуқтаи назардан ҳам тадқиқ этишни талаб этади. Гарчи тарихий асарлар яратиш ана шундай мураккаб нуқтадан бошланган бўлса-да, жанрлар синтези, жанрлар эврилиши нуқтаи назаридан ҳар бири аниқ мақсад, бадиий-эстетик концепцияни илгари суради.

АҚШ адабиётидаги тарихий романлар манбаларидан бири маҳаллий Американинг маҳаллий аҳолиси бўлган ҳиндулар фольклори ҳисобланади. АҚШ адабиёти инглизларнинг Америкага кўчиб келиши билан бошланган илк асарлар саналади. Биринчи китоб сифатида Жон Смитнинг «Виржиниядаги меҳмондўстликнинг ҳақиқий баёни» (1608) олинади¹⁷. Унда 1606 йил охири ва 1607 йил бошида Америкага кўчиб келиб ўрнашган дастлабки инглизларнинг маҳаллий аҳоли томонидан кутиб олиниши баён қилинади. Кейинчалик Ж.Смит «Виржиниянинг умумий тарихи» (1624) номли асар ёзди. Унда ҳиндуларнинг маиший ҳаётига ва босқинчиларга

¹⁶ Каттабеков А. Тарихий роман хусусида баҳслар // Ўзбек адабий танқиди. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2011. – Б. 29.

¹⁷ The capture and release of Captain John Smith, including his rescue from death by Pocahontas, in his own words from The general historie of Virginia as published at London 1624. [Ann Arbor]: Reprinted for the Clements Library Associates [by University of Michigan Print. ogg], 1960. www.books.library.org;

қарши курашига, Америкага келиб жойлашган инглизлар билан маҳаллий аҳолининг мураккаб муносабатлари ҳақида сўз боради. Бу ерда Жон Смит ўзи ва баъзи инглизларни ўлимдан қутқарган малика Покахонтас ҳақида таъсирили воқеаларни баён қилади.

Б.А.Гиленсон АҚШ адабиёти шаклланишидаги омилларни ўнта деб келтиради¹⁸. О.О.Несмелова, О.Б.Карасиклар эса Б.Гиленсон келтирган омилларни сал ўзгартирган ҳолда келтиришади¹⁹: 1. Колония ташкилланиши. 2. Этник жиҳатдан хилма-хиллик. 3. Қуллик. 4. Фронтир. 5. Регионализм. 6. Пуританизм. 7. «Америка орзуси» (American Dream). 8. Адабиётда бадиийлик ва ҳужжатлилик синтези (non-fiction).

Мазкур омиллар тўғри, фақат америка адабиётига, хусусан, тарихий роман шаклланишида маҳаллий аҳоли – ҳиндуларнинг таъсирини келтирмайди. Шунингдек, аксарият олимлар АҚШнинг шаклланишидаги испан маданияти ва таъсирига эътибор беришмайди.

Кейинчалик инглиз мустамлакачилигига қарши кураш йилларига мурожаат қилиш, ўша даврни бадиий идрок этиш, шу орқали миллий қаҳрамонлар хизматини қайта баҳолаш жараёни бошланди. Томас Жефферсон (Thomas Jefferson, 1743-1826) Галилей билан боғлиқ тарихий воқеага асосланиб «идрок ва эркин мушоҳадагина – хато ва адашишларга қарши самарали восита», дея таъкидлаган²⁰. Бу билан у тарихий воқеликни таҳлил қилиш, уни адолат юзасидан мушоҳада қилиш орқали ҳақиқатга етишиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Бу эса Америка халқи дунёқараш ва маънавиятида катта ўзгаришларга олиб келди. Айниқса, XVIII аср охирларида америка адабиётида қатор жанрлар, жумладан, Хью Брекенриж, Чарльз Брокден Браун кабилар ижодида роман жанри ҳам шаклланди. Лекин роман жанри такомиллашиб, тарихий, сиёсий, замонавий каби турларга ажралмаган эди.

Тарихий асарлар поэтикасини яратишга истеъдодли ёзувчи В.Ирвинг катта ҳисса қўшди. Унинг «Муҳаммаднинг тарихи» ва «Нью Йорк тарихи» номли асарлари ажралиб туради²¹. У романтизм вакили сифатида тарихий воқеликларга ёндашишда ўзининг бадиий-эстетик идеалидаги воқелик билан тарихни қиёслаганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Агар В.Скотт ижоди шотландия адабиётида тарихий романларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган бўлса, тарихий роман Ч.Диккенс, Ф.Купер, М.Твенлар ижодида алоҳида йўналишларга ажралган ҳолда ривожланди. Ф.Купер маҳаллий аҳоли ва улар билан боғлиқ саргузаштларни ёритган. Марк Твен эса Европа тарихини халқона усулда баён қилиб берган. Айниқса, Марк Твеннинг тарихий романлари тарихий-мистик (Жанна д'Арк), сатирик ва саргузаштлилик хусусиятлари билан ажралиб туради.

¹⁸ Гиленсон Б.А. История литературы США. В 2 ч. Часть 1. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – С. 9-14.

¹⁹ Несмелова О.О., Карасик О.Б. История американской литературы. – Казань: Казань ун-т, 2017. – С. 5-6.

²⁰ Юкоридаги манбаа. – С. 434.

²¹ Washington Irving. History of Muhamet and His Successors. – 1849. [http:// librebook.org](http://librebook.org) ; 2) Washington Irving. A History of Nerw York / [http:// pda.litres.ru](http://pda.litres.ru).

АҚШ адабиётидаги тарихий асарларнинг янги даври Жеймс Фенимор Купер номи билан боғлиқ. У «Кўн пайпоқ» пенталогияси таркибига кирувчи бешта тарихий роман ёзди. Ёзувчи пейзаж, портрет усуллари орқали роман бадииятини кучайтирган. Ҳиндуларга хос миф, афсоналар европаликларнинг янги шаклланган ривоят ва мифик қарашларига сингиб, пенталогиянинг умумий асосидаги воқеаларга жозибалилик бағишлаган. У «тарихий романлар отаси» деган номга ҳақли равишда эга бўлди.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тарихий-бадий асар яратиш муаммоси**»ни уч фаслда ўрганиш мақсад қилинган. Бобнинг биринчи фасли «**Тўмарис: тарихий асос ва жанрий муаммолар**» деб номланиб, Геродотнинг «Тарих» асаридаги тарихий воқеаларни ўрганиш, Тўмарис ҳақида турли хабарларни композицион жиҳатдан яхлит асар сифатида тадқиқ этиш заруратга айланган. Бунда шартлилик асосида халқ бадий тафаккури, маданий тараққиётини солиштириш имконияти юзага келади.

Инглиз олими Ж.Нильд адабиётшунослар орасида тарихий асарларда воқеликни бадий идрок этиш, деталларга совуққонлик билан муносабатда бўлиш ва шу орқали воқеликни ҳаққоний тасвирлаш мумкинлиги ҳақидаги фикрларини баён этган²². Шу маънода XVII-XVIII асрда АҚШда яратилган тарихий романлар тарихни саёҳат-саргузаштга ўч типлар орқали ифодалаш кучли бўлганини таъкидлаш лозим. Хусусан, Ф.Купер, М.Твеннинг тарихий романларида бу ҳол яққолроқ кўринади. Уларда ҳаётсеварлик, инсонпарварлик, шахс эрки ғояси етакчилик қилади. Бундан ташқари, чуқур психологик вазият, кучли маънавий зиддият, конфликтлар ўша давр тарихий романларида муаллиф позициясидан эмас, балки воқеликни ўқувчи тез ва осон англаб олиши учун халқона усул ва воситалар, хусусан, рухий параллелизм, риторик мурожаат, риторик сўроқ, афсона, ривоят, қиссалар ёрдамида ифодаланган.

Ҳар бир даврнинг ўзига яраша бадий-эстетик тамойили шаклланади. Натижада тарихий асарларга қайта ва қайта мурожаат қилинади. Биргина Жанна д'Арк ҳақидаги асарларнинг ўзи юздан ортиқ бўлиб, ўзбек адабиётида Тўмарис номи билан ўндан ортиқ асарларнинг яратилганини изоҳлайди.

Геродот Кирнинг тахтга чиқиши, давр суриши ва қулаши ҳақида сўз юритганда Тўмарис ҳақидаги хабарни келтиради. Қизиғи, бу хабарнинг ўзбек адабиётшунослигида турли жанрларга мансублиги кайд этилган. Жумладан, «ўзбек халқ оғзаки ижодида шак ва массагет эпоси, уларнинг қаҳрамонона жасоратлари мадҳ этилган кўҳна дostonларининг қолдиқ ҳолда етиб келган рудиментлари сақланганлиги бежиз эмас. Хусусан, «Ойсулув» ёки «Кунботир» дostonида тасвирланган воқеалар милoddан бурунги VI асрда рўй берган тарихий ҳодисаларнинг бадий инъикосидир. Бу дoston сюжети Геродот «Тарих»ида келтирилган қадимий **қиссалардан** бири – массагетларнинг подшо Кир бошчилигидаги босқинчиларга қарши курашига

²² Nield J. A Guide to the Best Historical Novels and Tales. – L., 1929. charlie@idirect.com

бағишланган эпик ҳикояларга ўхшаб кетади»²³. Бу ерда Тўмарис ҳақидаги воқеа «эпос», «достон», «ҳикоя», «қисса» дея аталганига гувоҳ бўлинди.

Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев, Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқовлар қисса, афсона, К.Имомов тарихий ривоят, Т.Қўчқаров эса ривоят²⁴ деб аташган.

Геродот воқеаларни «хабарлар» дея баҳолайди. Тўмарис исми 205 хабарда келтирилади. Унда Тўмарис исми Томирис шаклида берилди, малика эри вафот этгач, массагетларга ҳукмдорлик унга қолгани, Тўмарис доно ва зийрак эканлиги, душман ҳам узоқни кўзлаб иш юритгани, қудратли ҳарбий қурилмаларга эга эканлиги кўрсатилади. Тўмарис икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатда адолатли йўл тутгани Кирга йўллаган элчи ва уларнинг хабарларида акс этган. Тўмарис ҳақидаги ривоятда ушбу парча сюжет композициясининг муҳим ҳалқаси саналади. Бу ерда тарихийлик принципнинг етакчилик қилиши асарнинг таъсир доирасини кенгайтиради.

Умуман олганда, фаслда Тўмарис тарихий ривоятининг тарихий асоси ва жанрий муаммоларини муҳокама қилишда мустақил изланишларимиздан келиб чиқдик. Бобнинг иккинчи фасли «**Тарихий-бадий асарларнинг қиёсий-типологик таҳлили**» деб номланган. «Тарих» асаридаги «Тўмарис» тарихий ривояти, «Ойсулув» достони, М.Твеннинг «Жанна д'Арк» романи ёнма-ён қўйилиши ўзбек ва инглиз адабиётини жаҳон адабиётининг таркибий қисми сифатида кўришни тақозо этади.

Тўмарис тарихий ривоятидаги мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция ўхшашлигини «Ойсулув» достонида учратиш мумкин²⁵. Достон композицион жиҳатдан мураккаброқ асар бўлиб, мавзуси ишқий-саргузаштга асосланади. Мураккаблиги шундаки, достонда ички макон ва замон категорияси ўта тифиз берилган. Натижада узоқ йиллик уруш фожеаси қисқа сатрлар мазмунига сингдириб юборилган. Бу эса воқеликни теран англаш, тушуниш, жиддий мушоҳада этишни талаб қилади. Достон насрий йўлда баён этилган бўлиб, унда саж (насродаги қофия)дан самарали фойдаланиш орқали ровий тилидаги бадий таъсирчанлик таъминланган: «Кунботирнинг овозаси Турон билан Эронга кетди, бу гаплар Доро подшога етди» [8], «Эй паҳлавон Қайсар! Сен ўзинг полвон, эгингда карк тери қалқон, белинга кескир исфиҳон, сенинг кўлингда мамлақати Эрон, биз билан қаттиқ тараф бўлипти мамлақати Турон» [8].

Таҳлилнинг шу ерида тринар таҳлилнинг горизонтал эмас, балки вертикал усулини ҳам кузатиш керак бўлади. Аниқроқ айтганда, «Ойсулув» ва «Алпомиш» достонларининг бир-бирига муносабатида горизонталлик, ёндошлик мавжуд. Аммо «Тарих» ва «Ойсулув» асарларида вертикаллик етакчилик қилади. «Алпомиш»да воқеа ва унинг иштирокчилари нутқи, лиро-эпик усулда ифодаланса, «Ойсулув»да насрий йўлда баён қилинади.

²³ Зарифов Х.Т. Аршақ – Шақ қахрамони // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология / Тузувчилар: О. Тўлабоев ва бошқа. – Т.: 0'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – Б. 36.

²⁴ Кучқаров Т.О. Ёзма манбалардаги эпик сюжетларнинг бадий эволюцияси. Фил. фан. б. фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2018. – Б. 6-7.

²⁵ Ойсулув. Халқ достони. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзув олувчи: Ходи Зариф. – Б. 7-22. www.ziyouz.uz.

Геродотда эса Кирнинг массагетлар юртига юриши билан боғлиқ тарихий баён бўлгани учун шундай йўл тutilган.

Воқеалар баёнидаги сюжет тифизлигига оид жиҳат «Жанна д'Арк» романида Луи де Конт тилидан асар бошидаёқ намоён бўлади.: My family had fled to those distant regions from the neighborhood of Paris in the first years of the century. In politics they were Armagnacs – patriots; they were for our own French King, crazy and impotent as he was. The Burgundian party, who were for the English, had stripped them, and done it well. They took everything but my father's small nobility, and when he reached Neufchateau he reached it in poverty and with a broken spirit. But the political atmosphere there was the sort he liked, and that was something. He came to a region of comparative quiet; he left behind him a region peopled with furies, madmen, devils, where slaughter was a daily pastime and no man's life safe for a moment. In Paris, mobs roared through the streets.

М.Твеннинг келтирган тасвирида ровий йигирма-ўттиз йиллик воқеа, «Ойсулув» достони экспозициясидаги тасвирда эса нисбатан катта вақтда кечган воқеалар тифизлаштирилган. Ҳар иккала асарда ҳам асар композициясидаги ички вақтни қисқа вақт ичида, сюжетни тифизликда акс эттириш муаллифларга асосий воқеалар генезисини теранроқ тушунишга, ўқувчини ҳам шунга тайёрлашга ёрдам берган.

Марк Твен романида фурия образи бўлиб, у мифик образ саналади. Шунга ўхшаш мифик образни биз «Ойсулув» достонидаги дев тимсолида кўришимиз мумкин. Ойсулув ва Кунботир образларининг девни ҳам бўйсундира оладиган мифик қудратга эгаллигига ишора қилинган. Жанна ҳам мифик қудратга эга қиз сифатида олинган. Асарда ўн икки афсонавий қаҳрамонлар (паладинлар) ҳақидаги баён бор. Персонажлар ҳаёлида ўша воқеаларни қайта жонлантириш орқали улар қалбида ўз ўтмишидан руҳланиш ватанпарварликнинг шаклланишига ҳисса қўшади.

«Жанна д'Арк», «Тўмарис» ва «Ойсулув» асарларида юрт озодлиги, душманга қарши кураш ғояси мавжуд бўлиб, романда душман томонидан босиб олинган, харобазорга айлантилган юртни озод қилиш, кишилар қалбида келажакка ишонч уйғотиш, фожеага қарши халқ қалбида нафрат, ғазабни қайта шакллантириш, ёш авлодни халқ оғзаки ижоди намуналарида куйланган қадимги миллий қаҳрамонлар, диний-мистик персонажлардан руҳлантиришга интилиш кўзга ташланади. Бобнинг «**Тўмарис образи ва янги ўзбек адабиёти**» деб аталган учинчи фаслида Тўмарис ривояти ва унинг таъсирида ўзбек адабиётида яратилган асарлар спиралсимон тарихий типологик ҳодиса сифатида олинган.

Типологиянинг спиралсимон алоқаси тарихий шартланганлик билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир типологик образ яратилиши учун маълум тарихий шароит юзага келиши муҳим саналади. Шу маънода Тўмарис ва Жанна образларида ватанга бостириб кирган душман ва уларга қарши юрт озодлиги учун курашга чиқишни ижтимоий вазият тақазо этган. Асар структурасидаги деярли барча компонентлар ана шу тарихий ҳақиқатнинг бадиий ифодасига қаратилган. Натижада бир образ, бир тарихий материал асосида турли ғоя,

муаммолар ечимига қаратилган бир қанча асарлар юзага келади. Хусусан, Тўмарис тарихий ривояти дастлабки асос сифатида турли даврларда турли бадиий-эстетик вазифани бажариши натижасида бир қанча бадиий асарлар яратилди. Хуршид Давроннинг бадиа ва шеъри шулар жумласидан ҳисобланади²⁶. «Тўмариснинг кўзлари» номли шеър ҳажман кичик, олти қатор бўлиб, тавсифий лирикага мансуб ҳисобланади:

Бир куни қоп-қора, совуқ сўқмоқда
Ўнгимда бўларсан бирдан намоён –
Ота-онасини ярим кечаси
Бўғиб ўлдираркан ёғийлар пинҳон,
Шовқиндан уйғониб кетган боланинг
Кўзлари мисоли чакнаб қаҳрдан...

Лирик қаҳрамон кўз детали орқали иложсизлигини англаган, фожеани сезган ва курашга отланган боланинг бадиий ифодасини яратган ва уни «Тўмариснинг кўзлари» деб номлаган. Шеърдаги «қоп-қора, совуқ сўқмоқ» миллий ўзлигини билмасдан, адашиб юрган одам учун Тўмариснинг тарих зарварақлари оша чакнаб турган кўзларигина одамни Ватан мустақиллиги учун курашга, ўзлигини англашга ундайди.

Тўмарис ва Жанна д'Арк шахс сифатида замонавий муаммоларни, хусусан, ёш авлодни ўз аждодларига муносиб ворис этиб тарбиялаш, фозил жамият қуриш, ватан манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш кабиларни ҳал этишда бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хуршид Даврон «Массагетлар маликаси ва форслар подшоҳи» (1990) номли бадиасини эълон қилади. Унинг «Афсона ва ҳақиқат» деб номланган биринчи қисмида Эрон шоҳлари ва массагетлар, саклар тарихи ҳамда ўзаро муносабатни жуда узоқ тарихдан бошлаб, воқеалар тифиз баён қилинади, натижада уч минг йилликдан ортиқ тарихий воқеалар штрихи берилади, холос. Иккинчи қисм эса «Қон тўла меш ва кесилган бош» деб номланиб, унда Амударёнинг Каспий денгизига бориб қуйилиши ва унинг бўйларида массагетлар яшаши, уларнинг турмуш тарзи, кийиниши, урф-одатлари ҳақида мулоҳазалар юритилиб, уларнинг раҳбари Тўмариснинг оқила ва доно сиёсатчи, жасур саркарда эканлиги баён қилинади.

Ҳ.Худойбердиева Тўмарисга фарзанд доғида куйган она, руҳан чўкмасдан душманга қақшатгич зарба берган саркарда сифатида қарайди²⁸. «Тўмарисга илтижо» деган шеъри шоиранинг тўғридан тўғри Тўмарис онага бадиий мурожаати сифатида баҳоланишга лойиқ асар бўлиб, унда мустамлака элни, ўзлигини англолмай боғлари ҳароб бўлган, гўдаклари ўлаётган, ўзи эса парво қилмай яшаётган кул жонларни уйғотиш кераклигини

²⁶ Даврон Хуршид. Массагетлар маликаси ва форслар подшоҳи. Бадиа <http://kh-davron.uz/>. Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – Б. 75.

²⁷ Xudoyberdiyeva H. Yo'ldadirman. – Toshkent: Sharq, 2006. – B. 235.

айтади. Бу ерда ҳам Тўмарис она Ватанни озодлик сари олиб борувчи тимсол сифатида келган.

Шавкат Низом яратган романда бевосита Тўмарис номи билан боғлиқ воқеалар баён қилинади. Ундаги баъзи воқеалар Геродот келтирган ривоятда учрамайди. Маълумотлар бадиий матнга қуруқ баён сифатида киритилади. Тўмарис шахси ҳақидаги бунгача яратилган Мирмуҳсиннинг тарихий романидаги хатолар бу ерда ҳам такрорланган дейиш мумкин.

Хуллас, ўзбек адабиётида Тўмарисга бағишлаб яратилган асарлар ўндан ортиқ бўлиб, барчасида бадиийлик бирдек юқори даражада деб бўлмайди.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Тарихий-бадиий асарда композиция қурилиши»** тадқиқ этилади. Мазкур боб ҳам ўз навбатида уч фаслга ажратилган. Биринчи фаслда **«Миркарим Осимнинг «Тўмарис» қиссида композиция»** масаласи ҳақида сўз юритилади.

Фасл бошида Г.Поспелев, Е.Хализев, Ю.Лотман, Н.Тамарченко, Ж.А. Каддон (J.A. Cuddon), Р.Уэллек, О.Уоррен, А.Раҳимов, Д.Қуронов каби рус, инглиз ва ўзбек олимларининг бадиий асар композицияси ҳақидаги илмий-назарий қарашлари таҳлил этилади. Асар таҳлили учун аниқ мезон танлаб олинади.

«Тўмарис» қисси уч фаслга ажратилган бўлиб, у ташқи композиция вазифасини ўтайди. Ҳар бир қисм мантиқий боғланган бўлиб, ҳар бири нисбий мустақилликка эга. Демак, ҳар бир қисм ўзига хос композицияга эга бўлиб, уларнинг сюжет композицияси, ўз навбатида, қисмлардаги образлар композицияси ҳамда нутқий-ритмик композицияси ҳам ўзига хос уйғунликда бадиий воқеликни намоён этади.

Биринчи қисмдаги сюжет композицияси (демак, бутун қисса) пейзаж билан бошланади. Унда воқеа бошланиш жойи, аниқроғи сюжет композициясида экспозиция, образлар композициясида макон, нутқий композицияда эса кенг қўламли пейзаж вазифасида келган. Массажетлар юртига кўклам келганини кўрсатиб, юрт тинч бўлса, обод бўлади деган тамойилга мувофиқликда ташкиллангани акс эттирилган. Образ композициясидаги асосий образлар – массажет қабиласида адолат, ижтимоий тенглик, Тўмарис образининг малика сифатидаги фаолиятида халқпарварлик етакчилиқ қилганини ҳам англатади. Нутқий композиция сифатида эса баҳор деталининг ўзиёқ асардаги воқеалар баёни бошланишига йил боши, янги оила қурилиши, жамият ривожланишига ишора бериб, ровий нутқидаги инсонпарварлик, ҳаётсеварлик ғояларини бадиий ифодалайди.

Қиссининг етакчи образлари Тўмарис, Сипарангиз, Зарина асарда бир вақтда келтирилади. Уларнинг ижтимоий мавқеи қабила бошлиғи, она (Тўмарис), ўғил (жангчи эмас, Сипарангиз) ва келин (қиз ёки жангчи эмас, бошқа уруғдан, Зарина) ҳам келтирилади. Уларнинг сюжет ривожидagi ўрни ва динамикасида образ ижтимоий мавқеи муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун адиб уларни бир хил ўринда, бир гап таркибида беради. Бу билан воқеалар мантиқий ривожланишида уларнинг характер қирралари қай даражада очилиши мумкинлигини олдиндан белгилашга ҳаракат қилгандек таассурот

колдиради. Масалан, Тўмарис қабила бошлиғи, сиёсий раҳбар, бироқ у, аввало, она, бу эса унинг оналик меҳри билан сиёсий муаммоларни ҳал этишдаги совуқ идроки ўртасидаги зиддият бир томонлама қарор қабул қилишга олиб келиши ва асарда кучсиз бўлса-да конфликт намоён бўлишини кўрсатади.

Тарихий асарлардаги образлар композициясининг муҳим белгиси бу образлар исми бўлиб, биринчидан, тарихий шахс образи мазкур асарнинг тарихий эканлигини билдиради. Иккинчидан, ўқувчининг тарихий асардан оладиган тушунча ва бадиий-эстетик завқини маълум тарихий асосга йўналтириб туради. Масалан, Тўмарис номининг ўзиёқ ўқувчида ўша жасоратли аёл қиёфасини, Куруш (Кир ёки Доро) эса босқинчилар шоҳ образини ассоциатив тарзда уйғонишига ёрдам беради.

Ҳар бир образнинг зиммасидаги бадиий-эстетик вазифасидан келиб чиқиб, улар маълум нутқ шакллари, портрет, пейзажлар билан бирга тасвирланади. Бу эса нутқий композиция билан алоқага киришишни талаб этади. Масалан, ёзувчи портрет усулидан фойдаланган ҳолда Заринанинг аниқ тасвирини чизади: «Бўйчан, буғдойранг, сочлари тимқора, кўзлари чақнаб турган Зарина ўзининг саҳройи гўзаллиги билан бошқа аёллардан ажралиб турарди». Портрет усулида муаллиф образнинг ташқи ва ички қиёфасини турли эпитет (*бўйчан, буғдойранг, сочлари тимқора*), равишдош (*кўзлари чақнаб турган*), метафора (*саҳройи гўзаллиги*) орқали тасвирлайди. Бу эса ёзувчига биргина гапда учта бадиий тасвирий ифодадан фойдаланиш орқали баён усулига ўзгачалик олиб кириш имконини яратади.

Ёзувчи Тўмарисга қарши Кир, элчи образларида конфликтнинг шахс-билан шахс, икки халқ ўртасидаги курашда эса икки жамият, Сипарангиз, Тўмариснинг ички нутқи орқали эса психологик зиддиятни қўллайди.

Бобнинг иккинчи фасли «**Композицияда конфликт, сюжет ва образлар ўрни**» деб номланган. Ёзувчи образлар композициясини яратаётиб, прототип сифатида олган тарихий шахс ва унинг зиммасига юкланадиган бадиий-эстетик вазифадан келиб чиқиб, унга баъзи қўшимчалар, ўзгартиришлар киритади. Буни, хусусан, «Тўмарис» қиссасидаги Тўмарис, Кайхисрав, Сипарангиз образлари мисолида кузатиш мумкин.

Иккинчи қисмда эса воқеалар энди ҳар иккала қароргоҳда юз беради. Ёзувчи шундай йўл билан асар композициясининг турли қисмлари ўртасида ҳам кенг қўламли зиддият, конфликтни шакллантиришга ҳаракат қилган. Бу қисм «Кайхисрав ўз қўшини билан Ўкузнинг чап қирғоғига келиб чодир курган»дан кейин Тўмарисга юборган элчисининг маърузасини тинглаш билан бошланади. Шу ерда воқеалар ривожини туртки берган бир ҳодиса, аниқроғи Кайхисравнинг «хийла билан массагетларни асорат занжирига тушириш мумкин эмаслигини пайқашини ва қурол кучи билан уларни итоатга келтиришга аҳд қилгани» келтирилади. Бир қарашда оддий баёндек туюлган мазкур ўринда образнинг жаҳл устида қарор қабул қилиши ва бу қарор сюжет воқеаларини янада тезлаштиришга олиб келади. Ўз навбатида, бу жараёни Тўмарис ҳам кузатиб боради ва у ҳам кенгаш чақиради. Чоллардан бири дарҳол ўй-ёй билан қуролланган мерганларни дарё бўйига юбориб,

кўприк қураётган эронийларни ўққа тутишни, ўнг қирғоққа ўтишларига имкон бермасликни маслаҳат беради.

Ёзувчи композиция компонентларини шундай жойлаштирадики, улардаги образ, деталь, тасвир ёки нутқ бўлагига бир неча вазифа юкланган бўлади. Уларнинг ўрнини алмаштирилса ёки олиб ташланса асар композициясига путур етади. Масалан, Тўмарис элчи кетгач чақирган кенгаши тугагандан кейин қуйидаги нутқ бирлиги киритилади: «Тўмарис ҳам жанговор массагетлар элининг обрўсини сақлаб қолиш мақсадида ўғлининг гапини маъқуллаб, чолнинг таклифини рад этади». Бу ерда Тўмарис ўғли каби ёшларнинг фикрини маъқуллагани баён этилар экан, унинг характеридаги зиддиятни ҳам кўрсатади. Аввалроқ эса, элчининг қуйидаги гапидан таъсирланган ёшлардан гаши келган Тўмарис тасвирланган эди: «Элчи хинага бўялган соқолини сийпаб кулимсираркан, саволларга батафсил жавоб бериб, шоҳнинг саройидаги урф-одатлар билан уни (Сипарангиз – Ф.И.) таништирди. Ёшлар Эрон шоҳининг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган зеб-зийнат ичида яшаши, ичкилик базмлари тўғрисидаги ҳикоясини завқ билан тинглаб ўтирдилар.

Тўмарис қовоғини солиб ўтирар, ёшлар элчининг ҳикоясини завқ билан тинглаётганига гаши келарди». Аслида биринчи қисмнинг охирида берилган мазкур суҳбатдаги Тўмарис ҳолати билан кенгашдан кейинги юқоридаги гап солиштирилса, икки ўртада тафовут борлиги кўринади. Биринчи вазиятда у ёшларнинг элчини завқ билан тинглашаётгани, шароб, зеб-зийнат, шоҳнинг хотинлари ҳақидаги ҳикоялари уларнинг тарбиясини бузиши мумкинлигидан гаши келади. Аммо малика сифатида уларнинг суҳбатини бошқа ўзанга буриб юбориш имконияти бўлгани ҳолда, ўғли ва унинг шериклари раъйига қарши бормади. Яъни у ўғли ва унинг шериклари хато қилишлари мумкинлигини хаёлига келтирмади. Тажрибали кекса жангчининг маслаҳатини рад этди. Бу асар композициясидаги кейинги фожеаларга асос бўлишини у билмаган эди.

Ёзувчи психологик конфликтдан фойдаланади. Сипарангиз зоҳирида зиёфатни рад этса-да, аммо ичида бошқа шериклари қатори шаробни таътиб кўришни истар эди. Эътибор қилинса, Сипарангиз руҳиятида уйғонган нафс, асар бошида қароргоҳга келган элчи билан суҳбатдаги тўкин маиший ҳаётга ҳавас энди унинг қалбида бош кўтара бошлаган эди.

Сипарангизнинг образ сифатида қиссадаги фожеавийликка берган баҳоси, ўзи тушиб қолган ҳаёт гирдобидаги вазиятдан душман олдида тиз чўкмасдан мардларча, ирода кучи билан, аниқ мақсад – ўлимни бўйнига олиб чиқишини талаб этарди. Фожеавийлик бу ерда айбдорлик ҳиссига боғлиқ бўлиб, инсонни олий кадрият сифатида йўқотиш ва шу билан бирга ўлим топган шахснинг маънавий жасоратини топгани билан изоҳланади.

Қиссанинг учинчи қисми мазкур фожеанинг Тўмарис ва барча аёлларнинг юрагини ўқдек тешиб ўтганлиги ҳақидаги хабар билан бошланади. Аслида бу фожеа массагетларнинг кучига куч қўшди, Қайхисравнинг фожеасини тезлаштирди. Мирқарим Осимнинг «Тўмарис» қиссаси тарихни бадий тадқиқ ва уни қайта ташкиллашда қўллаган

бадийлик модулари асарда трагик, драматик унсурлар ҳиссасини ошириб уни жаҳон миқёси даражасига яқинлаштиришга хизмат қилди, десак хато қилмаган бўламиз. Зеро, ундаги образлар характери ҳаётда тайёр ҳолда мавжуд эди. Уларнинг қаҳрамонликлари, қатъий иродаси, ватанга садоқати аслида реал шахс характеридан олинган эди.

Учинчи бобнинг учинчи фаслида «**Тарихий-бадий асарда жанри ва композицияси**» муаммоси тадқиқ этилган. Аслида тарихий асарларда ифодаланаётган тарихий воқелик қисса ёки роман жанри имкониятларидан келиб чиқиб яратилади. Фақат бунда асар композицияси у ёки бу жанр талабидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Марк Твеннинг «Жанна д'Арк» романи мистик-трагик асар эканлиги билан ажралиб туради. Романнинг асосий сюжети бош қаҳрамон Жанна д'Аркнинг фаол ижтимоий ҳаёти: инглиз босқинчиларига қарши курашга отланиши, ғалаба қозониши, халқ руҳини уйғотишга ундовчи маърузалари, француз зодагонларининг хиёнати, адолатсиз суд жараёни ва охир-оқибат ўтда тириклайин ёндирилиши ҳақида баён қилади. Марк Твен романидаги ташқи композиция асосан уч бўлим: Домремида (In Domremy), Жанг майдони ва саройда (In Court and Camp), Суд жараёни ва азоб-уқубат тортиш (Trial and Martyrdom)дан иборат бўлиб, биринчи қисмдаги воқеалар саккизта бобга ажратилган. Иккинчи қисм эса энг катта ҳажмга эга бўлиб, бунда воқеалар баёни қирқ бир бобга ажратиб берилган. Учинчи қисм эса 23 бобдан ташкил топган. Бундан ташқари кириш қисмида Марк Твеннинг сўзбошиси, асар охирида эса хулоса ва изоҳлар келтирилган. «Тўмарис» қиссаси эса аввалги фаслларда айтилганидек тўрт қисмдан иборат. Унда Тўмарис ҳаёти тўлиқ баён этилмайди. Роман тўлиғича француз миллий қаҳрамони Жанна д'Аркнинг болалигидан бошлаб умрининг сўнгигача бўлган ҳаёти баён этилади. Асар композицияси ҳам шунга мувофиқ равишда ҳар учала қисмда сюжет композицияси, ровий композицияси, образлар тизими каби поэтик муаммолар оддий хронологик тартибда, қисман диний-мистик афсона, ривоят ва тушунчалар билан аралаш ҳолда қўлланган.

Бундан ташқари, қатор ўринларда бевосита ўқувчига мурожаат қилиб, унга ўз кечинма, муносабатларини ҳам билдиради. Масалан, And you will remember that Joan of Arc sang this song with us around the Tree when she was a little child, and always loved it (Эсингизда бўлса, Жанна д'Арк болалик чоғида биз билан мазкур кўшиқни дарахт атрофида бирга куйлаган ва ҳар доим яхши кўрган) дея халқ эпослари, халқ кўшиқлари куйлаётган кишидек тингловчиларга мурожаат қилса, бошқа ўринда «Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ҳаяжонга тушган ва қизикқон тингловчиларга қандай таъсир этиши мумкин» дея риторик сўроқ усулидан ҳам фойдаланади. Бу бир қарасангиз тингловчига, бир қарасангиз ўз-ўзига қаратилган нутқ, баён хайратидан таъсирланиб шаклланган жавобсиз саволдек янграйди. Бироқ айнан шу хусусияти билан асар композициясида халқ дostonчиларининг ижро жараёнида тингловчиларга мурожаатига ўхшашлик кузатилади.

Романда Франция ерларига христианлик кириб келиши ҳамда унғача мавжуд бўлган турли анимистик, тотемистик ва фетишистик қарашлар

маҳсули ўлароқ шаклланган ақидаларга қарши кураш ҳам сақланиб қолган дейиш мумкин. Масалан, парилар ва дарахт шулар жумласидандир.

Романда «Қўшиқлар кўшиғи», «Роланд ҳақида кўшиқ», «Бурлемонтдаги Пари Дарахт» каби халқ кўшиқлари асар композицияда муҳим бадиий-эстетик вазифани бажарган. Роман тилида муаллиф турли стилистик усуллардан, жумладан, чекинишдан ҳам самарали фойдаланган. Бу эса романдаги ровий нутқи композицияси «Ойсулув» достонидаги «энди гапни бошқа жойдан эшитинг» дея тингловчига қилинган мурожаатга ўхшаб кетади. Натижада типологик ўхшашлик муносабатлари янада ёрқинроқ кўринади. Лекин Марк Твен романда аралаш сюжет композициясини қўллаган.

Тўмарис ва Жанна д'Арк ҳаётини қиёслаш, уларнинг тарих сахнасидаги фаолияти бадиий ифодаси орқали умуминсоний тараққиёт маълум макон ва замон доирасида универсаллик маъносига эгаллиги аниқланди. Ёзувчи, роман композициясидаги мулоҳазалари ўтмиш қиёфасидаги давр бугун, тарих шаклидаги келажак эканлигини уқдиргандек бўлади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Тарихий романда образ ва образлилик**» деб аталган. Унинг биринчи фаслида «**Жанна д'Арк романида образлар тизими**» тадқиқ этилади.

Романдаги барча нарса, воқеа, ҳодиса, жой тасвири, персонаж аслида образлар саналади. Уларнинг жойлашуви, ўзаро муносабати ва вазифаси билан роман композициясидаги ўрни белгиланади. Масалан, портрет ёки пейзаж сюжет линиясидаги бошқа воқеа образи билан биргаликда яхлит жараёни ифодалайди. Кўринадикки, ёзувчи аниқ макон (пейзаж) тасвири орқали ўтган воқеани замон ва макон бирлигида ифодалайди. Агар улар ўзаро алоқада эканлиги аниқланиб, бир тизим сифатида баён этилса, бадиий асар сюжет линияси янада таъсирлироқ кўриниш олади. Масалан, Этьен Рознинг қора байроқ кўтариб келиши билан боғлиқ воқеани эслаш керак. Этьен Роз ўзларининг ўрмон ичидаги тепаликда жойлашган қароргоҳларига кўтарилгач, байроқнинг сопини ерга санчиб, «Мана, шу ерда тур ва Франциянинг тимсоли бўл. Мен эса нафас ростлаб олай. Францияга энди бошқа байроқнинг кераги йўқ» («There! Stand there and represent France while I get my breath. She needs no other flag now»). Этьен Роз Франция бошига тушган кулфат, фожеани жонли қилиб кўрсатмоқ учун жон киргизиб сўзлайди. Ёзувчи кунгабоқар лақабли Этьен гапидаги «*Мана, шу ерда тур*», «*тимсоли бўл*» иборалари орқали аниқ очиб берган. Айнан байроқ деталь-образи орқали Франция озодлиги ғояси ифоданган.

Романдаги Жака д'Арк, Жанд'Арк, Пьерд'Арк, Жанна д'Арк, Ометта, Этьен Роз, Мэри Дюпон, Сесель Летенье, Ноэль Рэнгесон, Эдмонд Обрэ, Пьер Морель каби болалар қалбида ватанга муҳаббат кучли бўлиб, мамлакатда давом этаётган фожеа барҳам топишига ишонишар эди. Улар миллий қахрамонлар ҳақидаги ойдин хаёллар билан яшашар ва Этьен Рознинг аламли хабарини қабул қилишолмас эди. Паладин (Этьен Роз) эса ҳақ гапни гапирган эди. Этьеннинг бу лақаб билан Франция мустақил

давлатчилигини ташкил этган Буюк Карлнинг издошларига ишора қилинади. Лақаб болага жуда мос келади. Бундай лақаблардан Жанна д'Аркда ҳам бор эди, унинг характерида чикиб келиб уни дастлаб «Уятчан қиз», «Ватанпарвар», «Гўзал», «Жасоратли» деб аташган. Этьен Роз эса «Кунгабоқар» лақабини олган эди. Чунки унинг юзи юмалоқ, сочлари сапсарик, юзлари сепкил босган эди. Пьер Морелнинг кўзлари чакчайгани, ковоқлари чиққанлиги учун унга «Ниначи» лақабини беришган эди. Кўринадики, образларнинг бундай аталиши, аввало, улар портрети билан бирга характерининг у ёки бу қиррасини очиш учун келтирилади.

Демак, барча болалар ватанпарвар бўлишган, бу бир томондан табиий тушунча-туйғулар бўлиб, иккинчи томондан Жанна болалигиданок бошқалардан фидойроқ, ватанга бўлган муҳаббати ҳам кучли бўлган. Бунда ёзувчи портрет, характер, образларни яхлит тизим сифатида берар экан, уларга юкланган бадий-эстетик вазифалардан келиб чикиб, лақабларни тўғри келтиради ва романнинг кейинги воқеаларида ана шу характер қирралари намоён бўлишини таъминлайди.

Тўмарис ва Жаннанинг жангга отланиши, ватан ҳимоясига чиқишида ҳар иккаласининг ҳам ватанга муҳаббати воқеаларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб хизмат қилади. Лекин икки ўртада қуйидаги фарқлар бўлган. Тўмарис малика, қабилабоши ва саркарда бўлган. Жанна эса ижтимоий мавқеига кўра деҳқон қизи бўлиб, дастлабки қисмда ва роман охирида илм, сиёсий ва ҳарбий муносабатда тажриба камроқлиги кузатилади. Тўмарис эса маълум тажриба, бошқарув салоҳияти ва жанг қилиш малакасига эга образ сифатида келади. Жанна ҳаётда ўрнини топишга улгурмаган, бироқ қалби ватанидаги фожеалардан эзилган, уларни тузатишга интилувчи орзуларга тўла қиз образида намоён бўлади. Лекин бу икки образ ва уларнинг кудратини намоён этувчи образлар тизимида ўхшашлик бор, бу ташқи душманга қарши курашиши, халқни бирлаштира олиши ва саркарда сифатида ғалаба қозониши кабиларда кўринади.

Ёзувчи романдаги образлар тизимида асосан икки хил қарашдаги кишилар образини киритади: Жанна ва унинг ортидаги софдил французлар ва уларга қарши инглизпарастлар. Бадий образ тизимида образларнинг предметлилик даражаси, умумлаштириш кўрсаткичи, тасвир ва ифода структураси ҳам киритиладики, натижада асардаги предмет, нарса-буюм ва жойлар ҳам образга айланади. Лекин улар персонаж образи зиммасидаги бадий-эстетик вазифани изоҳлаши, персонажнинг ҳаракатларига ойдинлик киритиши ёки унинг характер қирраларини тўлдириши мумкин.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фаслида «**Тарихий образ ва бадий тўқима**» муаммоси муҳокама этилади.

Тарихий ҳақиқатни бадийлаштириш, тарихий шахсларни бадий образга айлантириш учун ёзувчи тахайюлида бир нечта йўналишдаги микроламлар шаклланади ва улар секин-асталик билан қоғозга туширилади. Асар марказида Жанна д'Арк образини тасвирлашни мақсад қилган бўлса-да, француз зодагонлари, инглизпараст бургундлар, инглиз босқинчилари ва, албатта, душманларга хизмат қилган дин вакилларининг образларини ҳам

етарли даражада очиб беради. Демак, бир вақтнинг ўзида Орлеан графлиги, Бургундия графлиги, барчасига қўл силтаган Изобелла бошчилигидаги сарой аёнлари ҳамда жабрланган халқ тасвири орқали маънавий қашшоқликка, фожеалар гирдобига ботган, парчаланган Франция образини акс эттиради.

Романда Жаннанинг ғойибдан овозлар эшитиши билан боғлиқ воқеалар келтирилади. Айнан ана шундай ҳодисалар маҳсули ўлароқ Жанна халқ армиясининг етакчиси, Орлеанни озод қилиши ва Карл VIIни тахтга чиқариш каби оламшумул ишларини олдиндан айтиб беради. Дастлаб қиз тоғаси – Лаксар ёрдамида Вокулер губернатори капитан Бодрикур билан учрашиб, унга ўз мақсадини баён қилади. Унинг мақсадини эшитган ҳарбийлар ва губернатор унинг устидан кулишади. Лекин қизнинг ҳали тугамаган Сельд жанги ва унда вафот этган кўмондон ҳақидаги гапи капитан Бодрикурни ўйлантиради ва у Рупре-Сен Денидан хабар кутади. Чопарлар тўққиз кундан кейин қизнинг башоратини тасдиқловчи совуқ хабарни келтиришади. Бу Франция тарихий шахслари, айнан икки ҳарбий – жаноб Жан де Новелонпон де Мец ва Бертран де Пуланжилар кейинчалик Жанна томонга ўтиши, капитан Бодрикурнинг унга ёрдам беришига туртки бўлади.

Жанна д'Арк характерида ёшига нисбатан психологик жиҳатдан бойитилган фазилатлар: нозиклик, ўта сезгирлик, оқиллик, теран фикрлаш, қатъиятли, ғайратли, ҳарбий стратегик маҳорат кабилар юзага чиқади. Ҳатто ўз режаларини дастлаб Луи билан маслаҳатлашиб, сўнгра акаларига айтади. Аслида реал ҳаётда бу ҳақда маълумот учрамайди.

Марк Твенда Жаннанинг шахзода ҳузурига йўлга чиқиш саҳнасини тарихий манбаларнинг фарқли ифодаланишига гувоҳ бўламиз. Романда Жанна ва унинг йўлдошлари яширин равишда, тунда йўлга тушади. Бу образ зиммасидаги вазифа ва унинг ҳаракат мантиғидан келиб чиқилса, энг тўғри йўл эди. Левандовский манбасида уларни халқ кузатгани ёзилган²⁹.

Романдаги Карл VII Жанна д'Аркга хиёнат қилган аёнлар сафининг бошида туради. Ёзувчи мамлакат тақдири учун қайғурган ва узок йўл юриб келган кишилар мақсадини англаб етмасдан чиқиб кетишида унинг калтабинлиги, мустақил фикри ва ватанга муҳаббати йўқлигини акс эттиради.

Марк Твен яратган портретда шахзода учун Жанна д'Арк билан учрашиши ўйин тарзида кечгани ва унинг қиз устидан кулгани кейинчалик ўз қилган ишидан пушаймон бўлгандек жиддийлашгани берилади. Айнан шундай вазият А.Левандовский асарида ҳам келтирилади. Фақат унда учрашув жойи очик майдон ва Марк Твенда эса катта залда деб берилади. Лекин Марк Твен тасвири тарихий ҳақиқатга яқин туради. Бу ерда Жаннанинг Орлеан қамалини ёриб чиқиши, тож кийдириш маросимини ўтказиши ва инглиз қўшини руҳини синдиришининг тарихда юз бергани, аммо уларни айнан кўргандек тасвирлаши ёзувчининг маҳоратидан дарак беришини англаш мушкул эмас.

²⁹ Юқоридаги манба, ўша жой.

«Жанна д'Арк» романидаги тарихий шахслар образи ва унинг бадиий тўқима асосдаги қайта баёни таҳлил этилар экан, Марк Твен асари бир нечта манбаларга солиштириб кўрилди. Натижада ёзувчининг бадиий образ яратишда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқимадан самарали фойдалангани очиб берилди. Бобнинг учинчи фасли «**Тарихий образ ва психологик восита**» деб номланиб, унда романдаги бадиий тил таҳлил этилган.

Ёзувчи бадиий нутқ ёрдамида ўзи тасвирлаётган инсон, замон, давр образини яратади. Асардаги воқеалар қахрамон-инсон ички олами, руҳияти орқали тасвир майдонига айланади. Романдаги ҳар бир персонажнинг ташқи қиёфаси, юз тузилиши, мимикалари, энг муҳими нутқи орқали уларнинг ички оламини, психологиясини очиб беришга интилади. Масалан, куйидаги парчада ровий шахзода ва унинг аёнлари руҳиятини очиб берган: When Joan told the King what that deep secret was that wastor turing his heart, his doubts were cleared away; he believed she was sent of God, and if he had been let alone he would have set her upon her great mission at once. But he was not let alone. Tremouille and the holy fox of Rheims knew their man. All they needed to say was this – and they said it: «Your Highness says her Voices have revealed to you, by her mouth, a secret known only to yourself and God. How can you know that her Voices are not of Satan, and she his mouth piece?» (Жанна бўлажак қиролга унинг юрагини кемираётган теран сирни очганда, ундаги иккиланиш тарқаган эди. У қиз Худо томонидан юборилганига ишонган ва агар ихтиёр унда бўлганда эди, қизни дарҳол буюк топшириқни бажаришга юборган бўлар эди. Бироқ у ўзи мустақил фаолият юрита олмасди. Трёмуйль ва реймслик «ҳазрати тулки» уни яхши билишарди. Улар нима дейишса, шу бўлади ва улар шундай дедилар: – Ҳазрати олийлари, Сиз қизнинг овозлари сиз ва фақат Худога аён бўлган сирни айтишди, деяпсиз, аммо унинг Худоси шайтон эмаслигини сиз қаердан биласиз – у шайтон хабарчиси эмасми?)

Ровий нутқидаги тасвирда шахзода сўзловчининг онгида ҳаракатланмоқдаки, бу, аввало, роман ички оламининг барча унсурлари персонаж характерини ичкаридан очиб беришга йўналмоқда, иккинчидан эса мазкур персонажлар руҳияти, хаёлида дофин орқали Жаннага қарши кураш нияти мавжуд. Натижада кўз ўнгимизда образларнинг зимдан психологик кураши намоён бўлмоқда. Бу ерда икки курашувчи томонларни боғлаб турувчи бўлажак қирол руҳияти бўш ва кучсизлиги иккала томонга ҳам маълум бўлиб, ҳар икки томон ҳам шахзода руҳига, унинг ички кучига таъсир ўтказишга ҳаракат қилишган.

Жанна д'Аркни тасвирлар экан, унинг ҳар бир ҳаракати, ташқи белгилари ёки монологи, диалоги ёрдамида унинг ички оламини теран ва бутун тафсилотлари билан акс эттиришга ҳаракат қилади. Масалан, Жаннанинг илк бор судда Паладинга турмушга чиқмаслиги ҳақидаги масаласи кўрилганда, судья бу «ғалати», «ғайритабиий қиз» экан, дея қарорга келишида қизнинг индивидуал қиёфасига баҳо берилган. Ёхуд Жанна жанг қилишга отлангани ва Яратган томонидан унга алоҳида вазифа юкланганини биринчи бор очиқ баён этганда ҳам одамлар унинг психологик жиҳатдан ўзгачалигини билишган.

Бундан ташқари, мазкур суҳбатда Рим католик бошқарувининг Францияга нисбатан қилган адолатсизлиги ҳам ифодасини топган бўлиб, бу шармандалик ҳолатни Ватикан орадан беш юз йил ўтгач, Жаннани авлиё деб эътироф этиш билан расмий равишда бўйнига олади.

Ёзувчи романдаги психологик вазиятни шундай ташкил этганки, Жанна д'Аркнинг ҳар бир ютуқлари ортида катта руҳий қувват, ҳаракат ва самимийлик ётибди. Лекин унинг шуҳрати оша борган сари, хиёнат қилувчи, душманлик қилувчилар ҳам ортиб бораверади. Бу эса роман мазмуний структураси моҳиятига табиат ва жамиятнинг азалий кураши эзгулик ва ёвузлик ғояси сингдириб юборилганини кузатиш мумкин.

Романдаги образлар руҳиятини ва уларнинг тавсифидаги бадиий тасвирий воситаларнинг ўрнини очиб беришда ёзувчи диалогик нутқ қурилишидан самарали фойдаланганлигини юқоридаги мисолларда кўрдик.

Жанна узоқ вақт қийноқларга солинганида, узоқ давом этган сўроқларда қиз ҳиссий рангларга бой болалиги, қадрдон қишлоғи, болалик дўстлари, оила аъзолари, давлат хизматида орттирган бир-икки яқинлари билан хаёлан суҳбатлашарди.

Умуман олганда, ёзувчи ровий нутқи, диалог ва монологик нутқ каби воситалар ёрдамида қатор тарихий шахсларнинг психологиясини очиб берган. Бу эса романнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигининг кучайишига асос бўлган.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Тарихий-бадиий асар поэтикаси тадқиқи давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тарихий-бадиий асарларнинг генезиси ҳар бир халқда турлича кўринишда бўлиб, Европа адабиётида антик давр ижодкорларининг тарихий-бадиий асарлари таркибида, Ўзбекистонда эса дастлаб халқ оғзаки ижодида шаклланиб, турли тошбитик, сўнгра ёзма адабиёт намуналари асосида ривожланди. АҚШ адабиётида эса XVII аср бошларида кундалик, эсдалик, хотира тарзида шаклланиб борди. Ўзбек адабиётидаги тарихий-бадиий асарлар шаклланиш жараёнида, асосан, у ёки бу жанрнинг ички имкониятлари, оғзаки ижоднинг яратувчилари, хусусан, халқ бахши-достончиларининг индивидуал маҳоратларига таянган ҳолда такомиллашиб борган. АҚШ тарихий-бадиий асарлари дастлаб маҳаллий аҳоли маданий турмуш тарзи ва жаҳон адабиёти, хусусан, Европа, жумладан, инглиз, француз, испан адабиёти ютуқларини ижодий ўзлаштириш асосида шаклланди. Кейинчалик бутун дунёдаги илғор адабий тажрибаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилинган. Натижада нисбатан кечроқ шаклланган бўлса-да, жаҳон адабиётининг олдинги қаторидан муносиб жой ола билди.

2. Ўзбек адабиётида тарихий-бадиий асарлар тараққиётини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия этамиз: 1) тарихий-бадиий асарларнинг фольклор билан синкретик даври (энг қадимги даврдан XX аср бошларигача). Бунда «Култегин», «Тунюқук» тошбитикларидаги тарихий поэтика

унсурлари, «Гўрўғли» туркум дostonлари, «Алпомиш», «Рустамхон» каби эпослар ва «Ойсулув» каби тарихий дostonлар халқ тарихини бадиий-эстетик идрок этишидан келиб чиқиб шаклланган; 2) замонавий шаклдаги тарихий роман («Ўткан кунлар», «Навойи», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар» кабилар) XX асрнинг йигирманчи йилларидан тўқсонинчи йилларигача бўлган даврда тарихий-реалистик асосда ривожланди. Бироқ тарихий-бадиий асарларда тарихий воқеликни бузиб кўрсатиш ёки маълум тузум мафкурасига кўра ёндашиш юз берди; 3) тарихий роман-эпопеялар яратилган давр бўлиб, бунда Муҳаммад Али («Улуғ салтанат» тетралогия (роман-эпопея), Нурали Қобулнинг 13 жилддан иборат «Темурийлар эпопеяси» эълон қилинди. Уларда тарихий воқеликнинг бадиий қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, миллат ва халқларнинг давлат, жамият қуриш назарияси, амалиёти бадиий акс этирилган.

3. АҚШ адабиётида эса 1) XVII аср боши ва XVII аср охири, XVIII асрнинг боши биринчи даврни ташкил этиб, унга Европа, хусусан, инглиз адабиётидаги тарихий-бадиий асарлар, шунингдек, турли муаллифларнинг кундалик, хотира, мемуар, эсдаликлари асос бўлди. Бу даврда ҳали бадиий жиҳатдан етук тарихий асарлар яратилмади; 2) XVIII-XIX асрларда эса дастлабки тарихий асарлар яратилди ва кейинчалик улар мазмун ва шакл (диний-тарихий асарлар, тарихий-саргузашт романлар, тарихий-мистик асарлар, тарихий-реалистик асарлар), услубий жиҳатдан турларга ажратила бошланди (тарихий-романтик, тарихий-реалистик романлар); XX асрдан бошлаб эса бугунги адабиётшунослик талабига кўра, тарихий-бадиий романлар яратила бошланди.

